



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «6» июль

VI-30-22-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан Адлия вазирлигига қўшимча вазифалар юклатилиб, вазирлик тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. “Ijro.gov.uz” орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилиш йўлга қўйилди.

Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясида вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи С.У.Саттаровнинг 2021 йил 28 май куни ZOOM дастури орқали ахбороти эшитилганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш тўғрисида вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи С.У.Саттаровнинг берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони талабларига риоя қилиниши аҳволи етарли эмас деб топилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи (О.Рўзиев), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Ф.Очилдиев) топшириқлар ижро ҳолати ҳокимнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, ҳоким ҳузурида ҳафтанинг душанба куни муҳокама қилиб борилишини

таъминласин ҳамда ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот киритиб борсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов) ижро муддати 2020 йил 30 декабрда тугаган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 27.01.2018 йилда тасдиқланган 1358-хх–сонли йиғилиш баёнининг 54.2-бандига асосан 100 та ижтимоий дорихона қурилишини “Grand Pharma” хусусий корхонаси билан “давлат-хусусий ҳамкорлик” шаклида ташкил этиш ҳақидаги топшириғи ижросини таъминлаш ёки ижросини таъминлаш имконияти йўқлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда назоратдан чиқариш бўйича тегишли чоралар кўрсин ҳамда икки ҳафта муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот берилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов) ижро муддати 2020 йил 30 декабрда тугаган 27.10.2020 йилдаги 80-2020 (02-3036)–сонли йиғилиш баёнининг 7.1-бандига асосан Кадастр агентлиги билан биргаликда 5 тадан қишлоқ хўжалиги туманларида йил якунига қадар барча тоифадаги ерлар тўғрисидаги маълумотларни ягона тизимга жойлаштириш ҳақидаги топшириғи ижросини таъминлаш ёки ижросини узайтириш бўйича тегишли чоралар кўрсин ҳамда икки ҳафта муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот берилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Маманов) ижро муддати 2021 йил 8 апрелда тугаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 февралдаги “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ПҚ-4982-сонли қарорининг 5-банди, учинчи хатбошисига асосан “Ўзчармсанот” уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда янги ташкил этилаётган “Multibrand” дўконларининг вилоятнинг марказий шаҳарларида аҳолига қулай жойларда жойлаштирилишини таъминлаш ҳақидаги топшириғи ижросини таъминлаш ёки ижросини узайтириш бўйича тегишли чоралар кўрсин ҳамда икки ҳафта муддатда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ахборот берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси учун масъул этиб белгиланган ходимларга топшириқларни бажариш муддатидан олдин тушунмовчиликлар бўлса, вилоят Адлия бошқармаси масъулларига ҳукукий-услубий қўмак олиш бўйича мурожаат этиш тавсия этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини асосиз сабаблар билан муддатида таъминламаган, мунтазам равишда ижро интизомини бузиб келаётган шахсларга нисбатан тегишли тартибда қатъий чоралар кўриш белгилансин.

9. Вилоят Адлия бошқармаси (С.Саттаров) қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижро ҳолати бўйича ҳар ой якунида халқ депутатлари вилоят Кенгаши йиғилишларида ахборот бериб борсин;

10. Вилоят Кенгаши томонидан кейинги сессияларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижроси учун масъул бўлган раҳбар ва ходимларнинг уларни тўлик

бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаганлиги учун интизомий жавобгарлик масалаларини тегишли тартибда кўриб чиқиши белгилансин.

11. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Сурхондарё вилояти бошқармаси (Х.Нормаматов) фуқароларга пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлашда маълумотларни электрон дастурий тизимлар орқали олинишини таъминлаш ҳамда фуқаролар билан ишлашда сансалорликка йўл қўйилмаслиги, ходимларнинг касбий тайёргарлигини доимий равишда ошириб бориш чораларини кўрсин ва ҳар чорак якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ҳисобот киритиб борсин.

12. Қуйидагилар:

“Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиали (М.Мансуров) табиий газни иқтисод қилиш мақсадида энерготежамкор ускуналар ўрнатилишини, замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилишини ҳамда табиий газни ортикча ҳисобдан чиқарилмаслигини таъминласин, шунингдек, мавжуд барча газ тақсимлаш шохобчалари ҳамда қувурларни техник кўриқдан ўтказиб, носоз ҳолатдаги ҳамда талабларга жавоб бермайдиганларини таъмирлашни йўлга қўйсин ҳар ой якунида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясига ёзма ахборот киритиб борсин;

“Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти (М.Шамсиддинов) аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш ҳамда электр тармоқларида узилиш ҳолатларини кескин камайтириш чораларини кўрсин;

“Hududgaz Surxondaryo” газ таъминоти филиали (М.Мансуров), “Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти (М.Шамсиддинов) табиий газ ва электр энергиясидан мавжуд бўлган қарздорликларни тўлиқ ундириш ҳамда қарздорликларнинг ошиб кетмаслиги чораларини кўрсин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (А.Эшмуродов) зиммасига юклансин.

14. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**